

## Ўзбекистон Республикаси номидан

### Ҳ У К М

2020 йил февраль ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди Фурқат туман “Ардахшон” маҳалла фуқаролари йиғини худудидаги Фурқат ижтимоий-иқтисодиёт коллежи биносига, очик сайёр суд мажлисида, Раислик қилувчи: судья О.Хасанов, К.Рўзикулованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фурқат туман прокурори ёрдамчиси Ф.Темиров, судланувчи М.Шерматов ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Саримсоқовларнинг иштирокида Шерматов Муслим Ортиқалиевичга нисбатан 1-1519-1901/5-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Шерматов Муслим Ортиқалиевич, 1965 йил 11 июлда Фурқат туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Фурқат туман “Одилов Ортиқали замини” фермер хўжалигида ишчи, Фурқат тумани, “Ардахшон” м.ф.й., Капа қишлоғи, Янгиобод кўчаси, 137-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 01.02.2020 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг музокара, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Шерматов 2019 йил ёз оларида ўзи яшаб келган Фурқат тумани, Капа қишлоғига қарашли бўлган дала майдони четида ёввойи “наша” гиёҳвандлик ўсимлиги ўсиб турганини кўриб, келгусида ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзи истеъмол қилиш учун ушбу наша ўсимликлари шохлари ва баргларини сидириб олиб, яшаш уйига ташиб келиб, қуритиб, ушбу “наша” гиёҳвандлик моддаларини яшаш хонадонига кўп миқдордаги, яъни 1.222 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситасини 2020 йил 16 январь кунига қадар қонунга хилоф равишда сақлаб келган.



2020 йил 16 январь куни соат тахминан 09:30 ларда, Фурқат туман ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида М.Шерматовнинг Фурқат тумани, “Ардахшон” м.ф.й., Капа қишлоғи, Янги Обод кўчаси, 137-уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганида, М.Шерматов ушбу хонадон меҳмонхонасида тахтадан ишланган сандик ёнида бир дона 0,5 литли шиша идишда, икки дона 0,25 литрли шиша идишда, яшаш хонадонини ертўласида 9 дона гургурт қутида, икки дона қоғоз парчасига ўралган ҳолда майдаланган ҳамда молхонаси ичи ва том қисмида шохлари билан турган яшил рангли, ўткир ҳидли, қуруқ ҳолдаги соф оғирлиги 1.222 грамм бўлган кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик моддаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзи истеъмол қилиши учун қонунга хилоф равишда сақлаб келаётгани аниқланиб, холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи М.Шерматов судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у Фурқат туманидаги “Одилов Ортиғали замини” фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлашини, у тахминан 1995 йилдан буён наша гиёҳвандлик воситасини чекиш йўли билан истеъмол қилиб келишини, у 2020 йил ёз ойларида Фурқат тумани, Чек-жўрабек қишлоғидаги фермер хўжалигига қарашли дала майдони четидаги канал ёқасида ёвойи ҳолатда ўсиб турган наша гиёҳвандлик ўсимлигини кўриб, ушбу ўсимликни таг қисмидан синдириб олгани ва ўзи истеъмол қилиш мақсадида яшаш хонадонига ташиб келиб, қуритиш учун оғирхонаси ичига ва уйининг томига ташлаб қуритгани, кейин у ушбу наша ўсимлиги шохлари ва ғунчаларини сидириб олиб, куз-қиш ойларида чекиши учун шиша бонкаларга солиб, ушбу бонкаларни ятоқхонасидаги сандикни орқа томонига ташлаб қўйгани, бундан ташқари у дала майдонига чиқиб кетаётганида ўзи билан олиб чиқиб кетиши учун, ушбу наша гиёҳвандлик воситасини бир нечта гургут қутиси ва қоғоз парчаларига ўраб қўйгани, шу тариқа у наша гиёҳвандлик воситасиларини ўзини истеъмолим учун яшаш хонадонига сақлаб келгани, 2020 йил 16 январь куни соат 09:00 лар атрофида яшаш хонадонига бўлган вақтда туман ИИБ ходимлари ва холислар келиб, ўзларини таништириб, хонадонини кўздан кечиришга рухсат сўраб, ундан яшаш хонадонига қонунга хилоф равишда сақлаб келинаётган, тақиқланган гиёҳвандлик ўсимликлари бор ёки йўқлигини сўраганида у ИИБ одимларига хонадонини кўздан кечиришга рухсат бериб, у ўзихтиёри билан яшаш хонадонига ётоқхонасидаги сандик орқасида яшириб сақлаб келаётган бир дона 0,5 ҳажмли ва 2 дона 0,25 ҳажмли шиша бонкада, молхонасида ва уйининг том қисмида қуруқ ҳолдаги наша гиёҳвандлик ўсимлиги шох ва барглари, уйининг ертўласидан 9 дона гургут қутларга солинган ҳамда икки дона қоғоз парчасига ўралган наша гиёҳвандлик воситаларини ИИБ ходимлари ва холисларга кўрсатгани, ИИБ ходимлари холислар иштирокида ушбу наша гиёҳвандлик воситаларини далилий ашё тариқасида олиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштиргани, шундан сўнг ИИБ ходимлари ундан ушбу гиёҳвандлик воситаларини нима мақсадда сақлаб келаётганини сўраганида у



ушбу гиёҳвандлик воситаларини ўзи истеъмол қилиш учун сақлаб келаётганини айтгани, кейин ИИБ ходимлари унинг яшаш хонадонидан олинган наша гиёҳвандлик ўсимлигини экспертизадан ўтказиш учун Қўқон шаҳар ИИБга олиб боришгани ва тарозида тортиб кўришгани, у ушбу гиёҳвандлик воситаларини бирор-бир кишига сотиш ёки ўтказиш нияти бўлмаганини, унинг оила аъзолари у яшаш хонадонидан наша гиёҳвандлик воситаларини сақлаб келаётганидан хабари бўлмагани ва оила аъзолари наша гиёҳвандлик ўсимлигини қандай кўринишда бўлишини ҳам билмаслигини билдиргани, ҳозирда у содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, 2 нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, қонун доирасида енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Гувоҳ А.Ниёзматов судда, у 2020 йил 16 январь куни соат 09-30 ларда Фурқат тумани, Узун-чек қишлоғидаги яшаш хонадонидан бўлган вақтида уни ИИБ ходимлари чақириб, кўшниси М.Шерматовнинг яшаш хонадонини кўздан кечиришда холис сифатида иштирок этишни сўраганида у рози бўлгани, ундан ташқари ушбу ишда иккинчи холис бўлиб кўшниси М.Абдуллаев ҳам иштирок этгани, шундан кейин улар ИИБ ходимлари билан бирга кўшниси М.Шерматовнинг яшаш хонадонига бориб, ИИБ ходимлари М.Шерматовга ўзларини таништириб, яшаш хонадонини кўздан кечиришга рухсат сўраб, ундан яшаш хонадонидан қонунга хилоф равишда сақлаб келинаётган тақиқланган гиёҳвандлик ўсимликлар бўлса тақдим этиш сўралганида М.Шерматов яшаш хонадонига ИИБ ходимларини таклиф қилиб, ўз ихтиёри билан яшаш хонадонидан сақлаб келаётган наша гиёҳвандлик воситаларини кўрсатиб беришини айтиб, ётоқхонасидаги сандикни орқа томонидан иккита 0,25 ҳажмли шиша бонкада майдаланган ва қуруқ ҳолдаги, молхонасини ичи ва том қисмига яшириб қўйилган шохлари билан турган қуруқ ҳолдаги, ертўласидан ҳам бир дона 0,5 ҳажмли шишали бонкада, 9 дона гугурт қутиларга ва икки дона қоғоз ўрамига солинган майдаланган ва қуруқ ҳолдаги наша гиёҳвандлик воситаларини кўрсатгани, ИИБ ходимлари уларнинг холислигида ушбу наша гиёҳвандлик воситаларини далилий ашё тариқасида олиб, тегишли хужжатларни расмийлаштириб, ИИБнинг муҳри билан муҳрлашгани, ИИБ ходимлари М.Шерматовдан ушбу гиёҳвандлик воситаларини нима мақсадда сақлаб келиётгани сўралганида М.Шерматов уларга ушбу гиёҳвандлик воситаларини ўзи истеъмол қилиш мақсадида сақлаб келаётганини билдирди.

Гувоҳ М.Абдуллаев судда, гувоҳ А.Ниёзматовнинг юқорида қайд қилинган суддаги кўрсатувларини тасдиқлаб, унинг кўрсатмасига ўхшаш кўрсатма берди.

Гувоҳ С.Махсудов судда, судланувчи М.Шерматов унинг дадаси эканини, дадаси бир неча йилдан буён фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлашини, у Валишер акага тегишли бўлган “Samsung” русумли эксковаторни бошқариб, фуқаролар ва ташкилотларнинг ишларини бажариш билан шуғилланиши, шу сабабли ҳам у деярли ҳар куни эрталаб соат 07:00 дан кеч соат 18:00 га қадар яшаш хонада бўлмаслигини, у 2020 йил 16 январь



куни эрталабдан ўзининг ишлари билан чиқиб кетгани ва кечки соат 17:00 ларда яшаш хонадонига қайтиб келганида онаси А.Шералиева унга шу куни яшаш хонадонига туман ИИБ ходимлари келиб, яшаш хонадонидан қонунга хилоф равишда сақлаб келинаётган наша гиёҳвандлик воситасини топишганини, ушбу наша гиёҳвандлик воситасини дадаси М.Шерматов ўзининг истеъмоли учун яшириб, сақлаб келаётганини айтиб бергани, у шундан кейингина дадаси М.Шерматовни наша гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишини билгани, шу кунгача дадаси яшаш хонадонига наша гиёҳвандлик воситасини сақлаб келаётганини билмагани, хатто у наша гиёҳванд моддасини қандай кўринишда бўлишини ҳам билмаслигини билдирди.

Гувоҳ А.Шералиева судда, судланувчи М.Шерматов унинг турмуш ўртоғи эканини, у 2020 йил 16 январь куни яшаш хонадонига уй ишлари билан банд бўлиб юрганида хонадонига туман ИИБ ходимлари кириб келиб, турмуш ўртоғи М.Шерматовга ўзларини таништириб, яшаш хонадонини кўздан кечиришга рухсат сўраб, ундан яшаш хонадонига қонунга хилоф равишда сақлаб келинаётган тақиқланган гиёҳвандлик ўсимликлар бўлса тақдим этиш сўралганида М.Шерматов яшаш хонадонига ИИБ ходимларини таклиф қилиб, ўз ихтиёри билан ўзининг истеъмоли учун яшаш хонадони ётоқхонасида, ертўласида, молхонасида ва уйининг томида қонунга хилоф равишда сақлаб келаётган наша гиёҳвандлик воситаларини кўрсатиб бергани ва ИИБ ходимлари холислар иштирокида ушбу наша гиёҳвандлик воситаларини далилий ашё тариқасида олиб, тегишли хужжатларни расмийлаштириб олиб кетишгани, у бунгача турмуш ўртоғи М.Шерматов яшаш хонадонига наша гиёҳвандлик воситасини сақлаб келаётганини ва гиёҳванд модда истеъмол қилишини билмагани билдирди.

Судланувчи М.Шерматовнинг жиноий қилмиши унинг айбига тўлиқ иқрорлигидан ташқари, гувоҳ А.Ниёзматов, М.Абдуллаев, С.Махсудов ва А.Шералиеваларнинг юқорида қайд этилган суддаги кўрсатувлари, гувоҳ Ф.Махсудованинг ўқиб эшиттирилган дастлабки ткерговдаги кўрсатувлари, шунингдек, ишдаги ходиса содир бўлган кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.5-20), далилий ашёни тортиб олиш далолатномаси (и.в.30-31), суд-кимёвий экспертизасининг 2020 йил 20 январдаги 10-сонли, М.Шерматовнинг яшаш хонадони олинган бир дона оқ рангли полиэтилен қопага солинган яшил рангли, ўткир хидли, қуруқ ҳолдаги марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда таркибида гиёҳвандлик тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, бу ўсимликлар “марихуана” деб аталиши ва соф оғирлиги 1.125 грамм экани ҳақидаги хулосаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.32-33), суд-кимёвий экспертизасининг 2020 йил 20 январдаги 11-сонли, М.Шерматовнинг яшаш хонадони олинган қора рангли селюфан пакетига солинган, шиша бонкаси ичида бўлган яшил рангли, ўткир хидли, қуруқ ҳолдаги марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда таркибида гиёҳвандлик тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, бу ўсимликлар “марихуана”



деб аталиши ва соф оғирлиги 25 грамм экани ҳақидаги хулосаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.34-35), суд-кимёвий экспертизасининг 2020 йил 20 январдаги 12-сонли, М.Шерматовнинг яшаш хонадони олинган кўк рангли селофан пакетига солинган, шиша бонкаси ичида бўлган яшил рангли, ўткир хидли, қуруқ ҳолдаги марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда таркибида гиёҳвандлик тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, бу ўсимликлар “марихуана” деб аталиши ва соф оғирлиги 19 грамм экани ҳақидаги хулосаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.36-37), суд-кимёвий экспертизасининг 2020 йил 20 январдаги 13-сонли, М.Шерматовнинг яшаш хонадони олинган кўк рангли селофан пакетига солинган, икки дона қоғоз ўрамида бўлган яшил рангли, ўткир хидли, қуруқ ҳолдаги марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда таркибида гиёҳвандлик тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, бу ўсимликлар “марихуана” деб аталиши ва соф оғирлиги 32 грамм экани ҳақидаги хулосаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.38-39), суд-кимёвий экспертизасининг 2020 йил 20 январдаги 14-сонли, М.Шерматовнинг яшаш хонадони олинган қора рангли селофан пакетига солинган, тўққиз дона гугурт қутилар ичида бўлган яшил рангли, ўткир хидли, қуруқ ҳолдаги марихуана гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда таркибида гиёҳвандлик тетрагидроканнабинол моддаси мавжуд бўлиб, бу ўсимликлар “марихуана” деб аталиши ва соф оғирлиги 21 грамм экани ҳақидаги хулосаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.40-41), суд наркологида диспансерининг 2020 йил 24 январдаги 15-сонли, М.Шерматовда каннабиноид (чекиш тури)га тобелик 2-босқич касаллиги билан касаллангани, ЖКнинг 96-моддасига асосан тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга чорасига мухтож экани ҳақидаги алолатномаси (и.в.56), кўрсатувларни ходиса содир бўлган текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.77-83) билан тасдиғини топди.

Судланувчи М.Шерматовнинг жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи М.Шерматов ўзининг яшаш хонадони мехмонхонасида тахтадан ишланган сандиқ ёнида бир дона 0,5 литли шиша идишда, икки дона 0,25 литрли шиша идишда, яшаш хонадонини ертўласида 9 дона гугурт қутида, икки дона қоғоз парчасига ўралган ҳолда қуруқ ва майдаланган ҳолдаги ҳамда молхонаси ичи ва уйининг том қисмида шохлари билан турган яшил рангли, ўткир хидли, қуруқ ҳолдаги соф оғирлиги 1.222 грамм бўлган кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик моддаларини қонунга хилоф равишда сақлаб келиб, қасддан жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб,



3-бандида “ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” ҳамда 5-бандида “судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи М.Шерматовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб айбига тўлиқ иқрор бўлиб, жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароитини, 2 нафар фарзанди борлигини, иш жойидан ижобий тавсифланганини, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмаганини инобатга олиб, бироқ қуруқ ҳолдаги “марихуана” гиёҳвандлик моддасининг соф оғирлиги кўп миқдордаги 1.222 граммни ташкил этганини назарда тутиб, унга нисбатан ЖКнинг махсус қисми моддаси санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, шунингдек, ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган текширишдан қолган 1.217 грамм “марихуана” гиёҳвандлик моддасини йўқ қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Шерматов Муслим Ортикалиевич Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

М.Шерматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 3 (уч) йил муддатга яшаш жойидан чиқишни чеклаш тарзидаги озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

М.Шерматов озодликни чеклаш жазосини Фарғона вилояти, Фурқат тумани, “Ардахшон” маҳалла фуқаролари йиғини, Капа қишлоғи, Янгиобод кўчаси, 137-уйда соат 20:00 дан 06:00 га қадар ўташи белгилансин.

Жазо муддати маҳкум ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Фарғона вилоят Фурқат тумани ИИБ зиммасига юклатилсин.

М.Шерматовнинг зиммасига ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг - маҳкумни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартмаслик, Фарғона вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, кафе, бар, ресторан ва тунги клубларга бормаслик, алкоғолли ичимлик ва гиёҳванд



моддалар истеъмол қилмаслик, оммавий ва бошқа тўй тадбирларда иштирок этмаслик каби тақиқлар юклатилсин.

М.Шерматовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 5-6-қисмлар талаблари тушунтирилсин.

М.Шерматовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан М.Шерматовга гиёҳвандлик ва алкоголь касаллигига қарши тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниш белгилансин.

М.Шерматовнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликка қарши тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниши Фурқат туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилоят бошқармасининг далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган текширишдан қолган 1.217 грамм “марихуана” гиёҳвандлик моддаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш, прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи; имзо  
Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича  
Фурқат туман судининг раиси

О.Хасанов

